



«Гувоҳлар қолдирилмади»

Қийноқлар, ишламаётган habeas corpus ва Ўзбекистонда мустақил
адвокатуранинг тугатилиши

Қисқача мазмун

Кечмиш юз йилларда Ўзбекистон Хитойдан Ғарбий Европагача узанган ипак йўлидаги муҳим ўлка бўлган. Кейинги йилларда бу мамлакат ўз фуқароларини қийнаш билан шуҳрат топди.

2002 йилда маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари милиция томонидан шафқатсиз қийнаб ўлдирилган эътиқод маҳбуси Музаффар Авазов жасадининг фотосувратини эълон қилишди. Қийноқлар эпидемияси маҳсули ўлароқ кўрилган бу суратда Музаффар Авазовнинг қийноқлардан илма тешик бўлган танаси даҳшатли эди. Диний эътиқоди учун жазо ўтаган Авазовни колонияда қайноқ сувга бўктиришган. Жасадни кўрганлар унинг бўйнида чуқур яра борлиги бутун танаси калтақдан мўматалоқ бўлганини айтишди. Марҳумнинг барча тирноқлари суғуриб олинган эди.

2003 йилда БМТнинг қийноқларга қарши махсус маърузачиси Ўзбекистонд ақлия тизимида қийноқлар «кенг тарқалган ва систематик тус олган», дея билдирган эди.

Қийноқлар ҳибсга олинишнинг илк кунларида, тергов пайтида амалга оширилгани айтилади. Айнан ана шу вақтда маҳбус адвокат билан учраштирилмайди ва суд назоратидан узоқ масофада бўлади. Бу ҳисобот Ўзбекистон қамоқхоналарида қийноқларнинг чуқур илдиз отиб мунтазам тус олганига дунё назарини қаратади. Пировардида АҚШ, Евроиттифоқ, ва Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки каби етакчи тизимларнинг Ўзбекистонга нисбатан инсон ҳуқуқлари бўйича талабларининг кучайиши қузатилди.

Ўзбекистон давлат иқтисодига киритиладиган сармоялар инсон ҳуқуқлари вазиятидаги аҳвол даражаси билан уйғун бўлишига ҳаракат қилинди. 2005 йил 13 май қирғинидан кейин Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг муаммоли вазияти янада ёмонлашди. 13 май куни ҳукумат кучлари Андижондаги юзлаб нисбатан қуролсиз намоийшчиларни

ўлдирди. Расмий Тошкентнинг бу қирғинни мустақил тергов қилишдан қочиши, аввалига ЕИ кейинроқ эса АҚШ тарафидан очиқ қораланди. Баъзи санкциялар жорий қилинди.

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ҳалқаро ҳамжамиятнинг кўп йиллик талаблардан кейин, БМТ маърузачиси кўзда тутган habeas corpusни ёки суддан олдин ҳибс қилишнинг суд орқали кўриш тизимини жорий қилди. 2009 йилнинг январидан ҳар ҳолда қонун актларида процессуал ҳуқуқлар кенгайтирилди. Адвокат олиш ва милициянинг «Миранда қоидаси»га риоя қилиш тартиблари белгиланди.

Бундай қадамлар Ўзбекистон тарихида янги бир оз ижобий паллани бошлаши лозим эди.

Аммо бундай бўлмади. Зохиран яхши кўринган қонундаги ўзгаришлар ва ўзбек мулозимларининг қийноқларга қарши курашамиз деган баёнотларига қарамасдан habeas corpus жорий қилинганидан 4 йил ўтиб вазият ачинарли даражада ўзгармасдан қолаётганини кўрамыз.

БМТнинг қийноқлар бўйича маърузачиси Ўзбекистонда қийноқлар «систематик» ва «кенг тарқалган» деб айтганидан деярли 10 йил ўтиб, андижон қирғинидан 7 йил ўтиб инсон ҳуқуқлари борасидаги вазият ўзгаришсиз қолмоқда. Мустақил сиёсий фаоллар аҳволи бу даврда яна ёмонлашди. Ҳукумат habeas corpus жорий қилингани ва бошқа ислохотларни пиар-инструмент ўлароқ кўз кўзлашдан нарига ўтмади. Ҳукумат қонунчилик ва суд «либераллашганини» иддао қилади. Аммо ҳукуматнинг қийноқларни бартараф қилишга рағбати борлиги бирор фактда исбот бўлмайди.

Амалда бир қатор муҳим йўналишларда вазият ёмонлашди. Ҳукумат мустақил адвокатура тизимини демонтаж қилиш бўйича қадамлар қўйди. Мамлакат мустақил кузатувчилар ва инсон ҳуқуқлар фаоллари учун тақа тақ ёпилди. Сиёсий фаоллар ва ҳуқуқ ҳимоячиларини қамоққа олиш кўпайди. Ноқонуний ҳибсга олишлар, қийноқлар ҳақида ишонарли хабарлар келмоқда. Қамоқларда маҳкумларнинг сирли тарзда ўлиши кўпайди. Мустақил мусулмонларга қарши репрессия кучайди. Айти пайтда ҳукумат маҳаллий ва халқаро нодавлат ташкилотларини ва ҳусусан Хьюман Райтс Вотч, фаолиятига изн бермаяпти. Бўҳрон ва муҳитининг қалинлашаётгани ҳақида Тошкентдаги жинсий ишларга ихтисослашган адвокат аёл ташвиш билан гапирди. Судгача бўлган даврда қийноқ кенг қўлланмоқда. Ҳатто қийнаш кундан кун кўпаймоқда, дейди адвокат аёл. Ҳозирги вазиятнинг ўзига ҳослиги шуки, юз бераётган

қийноқ ҳолатлари гувоҳларсиз ўтмоқда. Қийноқ қўлланганларни кўрадиган кўзлар ва маҳкумларнинг оҳини эшитадиган қулоқлар йўқ.

Айни пайтда ўзбек мулозимлари вазиятнинг «яҳшилангани», тизимдаги «прогресс» ҳақида бонг уришни ҳуш кўришмоқда. Улар турли «миллий режалар» ва «ҳуқуқбон» лавозимининг ҳукумат идораларида жорий қилинганидан мақтанишади.

Ўзбекистон делегацияси ҳеч бир аҳамияти бўлмаган ва амалда ишламайдиган қонунчилик ислохотлари ҳақида БМТда мунтазам ҳисоботлар қилишади. Булар фонда АҚШ ва ЕИ нинг Ўзбекистонга муносабати ғалати кўринади. Яқин шарқ ва Шимолий Африкадаги мустабид режимларга нисбатан қатъий муносабатда бўлган ЕИ ва АҚШнинг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятига панжа орасидан қарагани кузатилади.

Бу ҳисобот қийноқлардан азият чеккан 100 та мазлум билан суҳбатларга асосланди. Қийноқ қурбонларининг яқинлари, адвокатлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, олимлар ва мулозимлар билан Ўзбекистонда 2009 – 2011 йилда суҳбатлар қилинди. Аснода уч муаммо кўрилди. Ишламаётган habeas corpus, судан олдинги ҳибс чоғида қийноқлар ва мустақил адвокатуранинг демонтаж қилиниши.

Ҳисобот habeas corpus нинг суддан олдинги ҳибс чоғида қийноқларга таъсири ва бу тизимнинг Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро ҳуқуқий мажбуриятлари таҳлил қилинди. Қўшимча процессуал ҳуқуқлар ижросини таҳлил қилган бу маърузада қийноқларни бартараф қилиш ва адвокат олиш ҳуқуқига эътибор қаратилди.

Шунингдек судгача бўлган ҳибсда қийноқнинг турли усуллари ва таҳқирли муомаланинг habeas corpus жорий қилинганидан кейин бошқа шаклда давом этаётгани ҳам ҳужжатлаштирилди. (Резина тўқмоқ билан уриш. Баклашкага сув тўлдириб уриш, электрошок, қўлтиғидан осиб қўйиш, жинсий зўрлаш ва бошқача жинсий таҳқир. Пластик қоп кийгизиб бўғиш. Противагаз билан бўғиш. Яқинларини жисмоний қийнаш билан қўрқитиш). Ниҳоят ҳисоботда Ўзбекистонда эндигина шаклланаётган адвокатуранинг илдизи қирқилаётганига эътибор қаратилди.

Одатда жиний ишларга ихтисослашган бу адвокатлар қийноқлар ҳақида гапиришга чоғланаётган ва сиёсий ҳассос маҳкамаларда иштирок қилиш учун ўзида журъат топаётган эди.

Хьюман Райтс Вотч Ўзбекистонда habeas corpus жорий қилинганидан 4 йил ўтиб кўп нарсалар қоғозда қолаётганини аниқлади. Бу ҳибснинг қонунийлигини аниқлаш учун суд маҳкамаси. Ҳибсга олинганидан кейин ушлаб туриш. Бу халқаро ҳуқуқдаги тамал ўзакдир. Бу ҳуқуқ қонунсиз ҳибсга олишни бартараф қилишга қаратилган. Халқаро тажрибада бу қийноқларни олдини оладиган ҳимоя қалқони сифатида кўрилади.

Аммо Ўзбекистонда асоссиз ҳибсга олиш истисно эмас, балки қоидага айланган. Амалда habeas corpus Ўзбекистондаги маҳбусларга қийноқлар ва таҳқирли муносабатлардан ҳимоя қилувчи кучли қалқон бўла олмайди.

Судлар аксарият ҳолда прокуратуранинг ҳибсга олиш ҳақидаги қарорини тинчгина бажариб қўя қолади. Прокуратура тақдим қилган айблов формулировкасини сўзсиз тасдиқлайди ва мустақил кўриб чиқмайди. Амалдаги қонун нормаси шу қадар тор бўлгани боис habeas corpusниг фундаментал мақсадларига қарама қарши келади. habeas corpus ҳибсга олиш суд кўриб чиққанидан кейин амалга оширишни тақозо қилади. Қонунчилик судга уй қамоғи ёки гаров эвазига озод қилиш каби муқобил ва юмшоқ жазо имконини бермайди.

Ўзбекистонда habeas corpus кўриб чиққунга қадар ҳибсда бўлиш 72 соатни ташкил қилади. Бу инсон ҳуқуқлари нормаси белгилаганидан анча кўпдир. Ҳал қилувчи паллада маҳбус адвокат олиш ва уни танлаш имконидан маҳрум бўлади. Шунингдек илк сўроқ ва тергов пайтида ҳам бу имкон берилмайди. Вақтдан ютиш учун habeas corpus ёпиқ режимда ўтади.

Адвокатларга кўра, habeas corpus юзаки ва муҳим процессуал гарантиялардан ҳоли тарзда ўтади. Судяга отвод бериш каби имконлар маҳбусга деярли раво кўрилмайди.

habeas corpus «Сен ўз гавданга эга бўлишинг керак» деб лотинчадан таржима қилинади. Ўзбекистонда эса маҳбус иштирокисиз ишлар кўриб чиқилади. Айниқса сиёсий мотивдаги маҳкамаларда шундай. Бу эса habeas corpus бош мазмунига зид келади.

2009 йилда habeas corpus билан бирга жорий қилинган Миранда қоидаси ҳам ўта юзаки ва ҳўжақўрсинга ишламоқда. Бу қоида қўлга олиш чоғида маҳбусга жимлик сақлаш ҳуқуқини беради. Шунингдек ички ишлар ходимлари қўлга олинган маҳбусга унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари керак. Маҳбусга адвокатга ёки яқинларига қўнғироқ қилиш имкони бериши лозим. Қийноқлар – ҳисоботдан ўрин олган иккинчи гуруҳ муаммодир.

Ҳисоботда милиция ҳодимлари ва ҳавфсизлик хизмати зобитлари маҳбусларни ўзига ёки яқинларига қарши кўрсатма бериш учун қийноққа солиши ҳужжатлар билан ёритилган. Қийноқлар ҳукумат назарида исталмаган ва улар назарида ҳукуматга қарши сиёсий фаол маҳбусларга нисбатан кенг қўлланилади. Қийноқлар воситасида олинган кўрсатмалар ва иқрорномалар судда ягона исбот тарзида ишлатилади. Бу иқрорномалар айблов ҳукми учун асос сифатида олинади.

Суд ҳакамлари қийноқлар ҳақидаги аризаларни кўриб чиқмайди. Маҳбусларни қийнаган нозирларни жавобгарликка тортмайди

Баъзи адвокатлар ва мазлум сиёсий фаолларга кўра, қийноқлар билан боғлиқ вазият ёмонлашган. 2005 йилдаги андижон қирғинидан кейин Ўзбекистонни ўртган .ёпиқлик пардаси яна қалинлашиб, вазиятни кузатиш имкони деярли йўққа чиқди. Андижон воқеасидан кейин ҳукумат бор кучи билан ҳар қандай мустақил инсон ҳуқуқлари фаолиятига чек қўйишга уринди.

Қийноқларни кузатиб қайд қилишга ҳаракат қилган ҳуқуқ ҳимоячилари, қамоққа олиниб уларнинг ўзлари қийноқ нима эканлигини таналарида ҳис қилишди. Расмий Тошкент мамлакатга БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси киритилишига қаттиқ қаршилиқ қилди. БМТ махсус маърузачисининг таклифлари жавобсиз қолди.

Айни пайтда Ўзбекистон ўз ҳудудида халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари мустақил ОАВлар фаолиятига изн бермай келади.

habeas corpus ғоялари тадбиқ этилишига Ўзбекистоннинг қаршилиги адвокатлар устидан давлат назоратининг ўта кучайтирилганида кўрилади. Бу ҳисоботдан ўрин олган учинчи муаммодир. 2009 йилнинг январиди қабул қилинган адвокатурани ислоҳ қилиш қонуни адвокатлар уюшмаларига барҳам берди. Адвокатлар палатаси номи билан очилган идора аслида адвокатлар устидан давлат назоратини олиб борадиган воситага айланди.

Барча адвокатлар имтиҳон топшириб қайта лицензия олишга мажбур бўлдилар. Айни пайда ҳар бир адвокат уч йилда бир марта малака имтиҳони топширишга маҳкум.

Янги қонун Ўзбекистон конституцияси ва халқаро стандартларга зид келади. Адвокатларнинг ҳукуматга бўйсунуши амалда ҳимоя тизимини йўққа чиқарди.

Адвокатлар билан ва адвокатликдан мосуво қилинганлар билан суҳбатлардан маълум бўлишича, сиёсий маҳбуслар ҳимоячилари «имтиҳондан ўтказилмаган».

Адвокатлик фаолиятини ислоҳ қилиш, қийноқлар ҳақида гапирган ва сиёсий фаолларни ҳимоя қилган адвокатлар учун маслакдан айрилишга олиб келди. Адвокатликдан маҳрум қилинмаганлар учун бу фаолиятни чекловчи, журъатни камайтирувчи сабоқ бўлди. Бу даврга келиб ўзларини доимо Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилуви давлатлар сифатида тамсил қилган АҚШ ва Евроиттифоқ расмий Тошкентни танқид қилишни камайтирди. Афғонистондаги уруш боис стратегик қулай ҳудуда айланган Ўзбекистон, АҚШ ва Евроиттифоқ учун инсон ҳуқуқларидан кўра муҳимроқ кўринди.

Вашингтон ва Брюссел тарафидан 2005 йил андичон воқеаларидан кейин илгари сурилган талабларнинг бирортаси бажарилмаганига қарамасдан АҚШ ва ЕИ Ўзбекистонга нисбатан муносабатларини илиқлаштириб танқидий мавқедан чекинишга қарор қилди. АҚШ ва ЕИ habeas corpusнинг жорий қилинишини «тараққиёт» ишорати ўлароқ кўришди. Инсон ҳуқуқлари ва қийноқлар борасидаги гаплар ёпиқ мажлисларда «диалог» номи билан юзаки кўриладиган бўлди.

Аmmo бу «ёмон бўлса ҳам ҳамкорлик қилиш» сиёсати қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган бўлиб айна вақтда Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятини янада ёмонлашувига олиб келади. Амалда бу сиёсат, Ўзбекистондаги йўқ ислохотларга мадҳиялар айтиш, мамлакатдаги қийноқлар эпидемиясини янада ҳуруж олдиради.

Ўзбек сиёсий фаоллари ва ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда адвокатларнинг шундоқ ҳам оғир бўлган аҳволини яна ёмонлаштиради. Бу иккиюзлама сиёсат расмий Тошкентга ўз халқини эзиш, фуқаровий жамиятни тазйиқ остига олиш жазосиз қолади деган аниқ мужда беради.

Хьюман Райтс Вотч Ўзбекистон ҳукуматини қийноқлар илдизини қирқишга катта эътибор беришга чақиради. Бу ҳисоботдан Ўзбекистон ҳукуматига аталган тавсиялар ўрин олган. Бу тавсиялар habeas corpusни амалга ошириб, халқаро стандартлар ҳолига келтириш, адвокатга етишиш ва мустақил ҳимояни назарда тутати.

Ўзбекистон ҳукумати бундай тавсия ва ислохотга чақириқларни йиллардан бери игнор қилиб келаётганини инобатга олган ҳолда, АҚШ ва ЕИ давлатлари Ўзбекистон президенти Каримовга аниқ ва изчил сигнал бериши сўралди. Бу ишорат ҳукумат

habeas corpusni samarali xolga kelтириб, судгача бўлган ҳибсга олиш чоғида процессуал ҳуқуқни таъминлаш талабини ўзида мужассам қилмоғи лозим.

Вашингтон ва Брюссел ҳамда бошқа муҳим тузилмалар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлар систематик бузилаётгани боис расмий Тошкент ўз сиёсатини фундаментал тарзда ўзгартириши лозимлигини очиқ ва жамоат кўз ўнгида айтишлари керак. Бу янги курс доирасида улар инсон ҳуқуқлари масаласида Ўзбекистон самарага эришмоғи учун аниқ вақт чегараларини ўрнатиб қатъий талаб қилмоқлари керак. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари аҳволи ўзгармасдан ёмон ҳолда қолаверса ҳукуматни қандай оқибатлар кутаётгани аниқ тиниқ қилиб айтилиши лозим. Инсон ҳуқуқлари борасидаги бу талаблар БМТ, АҚШ ва ЕИ тарафидан билдирилмоғи лозим.

Ўзбекистонда сиёсий ёндашув фундаментал тарзда ўзгармаса бирор бир самара бўлиши қийин. Изчил ва ошкора халқаро босимларгина Ўзбекистонда қийноқларни бартараф қила олиши мумкин. Агар шундай бўлмаса қийноқлар билан боғлиқ вазият абгорлашиб Музаффар Авазов каби тирноқлари суғурилиб, қийнаб ўлдирилганлар сони тинимсиз кўпаяверади. Қийноқлар эса тинимсизлик даврасига кириши мумкин.

Тавсиялар

Ўзбекистон ҳукуматига

- Қийноқларга қарши конвенция талабларини бажариш ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва шахсни таҳқирловчи муносабатлар ҳамда жазо турларига барҳам бериш.
- Қийноқларга қарши Факультатив протоколни ратификация қилиш, бу протокол Ўзбекистон зиммасига қийноқларни бартараф қилиш қўмитасини киритишни юклайди. Қийноқларга қарши миллий механизм яралишига олиб келади.
- 2003 йилда БМТ қийноқлар бўйича махсус маърузачиси тавсияларини бутунлай бажариш. Маърузачининг 2002 йили Ўзбекистонга сафаридан сўнг бу тавсияларни берган эди. habeas corpus ишлашини сиёсий ва фуқаровий ҳуқуқлар ҳамда халқаро пактларга мослаш. Шунингдек адвокатура мустақиллигини таъминлаш.

В Ҳусусан биз ҳукуматни мана бу чораларни кўришга астойдил чақирамиз:

habeas corpus бўйича ҳуқуқларга риоя қилиш

- Ўзбекистон ЖПК ни шундай ўзгартириш керакки, суд ҳакамлари бу ҳужжатдан маҳбусни ҳибсда ушлаш учун фақат жиддий гумон лозим бўлишини аниқ тиниқ тушуниб олсин. Бу ҳужжат етарли асоссиз ҳибсга олишни максимум чеклаши лозим. **habeas corpus жараёнида ҳакам маҳбуснинг нима асосда ҳибсга олинганини жиддий текшириши лозим. Маҳбусга қарши етарли далил исботлар бўлмаса унинг судгача озод қилиниш масаласи ижобий ҳал қилиниши лозим.** Ҳар қандай доимий фармойишлар суднинг ўта кучли маъсулияти асосида ишлаши керак. Суд ҳаками маъсулиятин ҳибсга олишнинг қонунийлигини назорат қилиш юзасидан кучайтирилмоғи лозим. Бу маъсулият habeas corpus эшитувларида алоҳида намоён бўлмоғи керак.
- ЖПК ни шундай ўзгартириш керакки, **habeas corpus эшитуви чоғида суд ҳакамлари зиммасига қийноқлар қўллаганларни қаттиқ тергов қилиш мажбурияти юклансин.** Судгача ҳибс жараёнида маҳбусга қийноқ ва таҳқирли муносабат аниқланган тақдирда бу ҳолат ҳакам тарафидан жиддий тафтиш қилинмоғи керак.
- ЖПКни шундай ўзгартириш керакки **habeas corpus эшитуви чоғида суд ҳакамларига озодликдан маҳрум қилишга муқобил юмшоқ чоралар кўриш ҳуқуқи берилсин.** Бу ҳуқуқ маҳбусни судгача озод қилиш кафолатларни ҳам ўз ичига олмоғи керак.

- Халқаро стандартларга мувофиқ тарзда судгача ҳибсга олишнинг максимум муддати **72 соатдан 48 соатга туширилсин**. Шу муддат ичида маҳбус habeas corpus эшитувига олиб келиниши керак.
- **habeas corpus** эшитувларини ташқаридаги иштирокчилар учун очиқ бўлишини таъминлаш лозим., Маҳбуснинг яқинлари, қариндошлар ва журналистлар, дипломатлар ҳамда халқаро ташкилот вакиллари учун бу жараён очиқ бўлиши лозим.
- **Ҳар бир маҳбусга адвокат танлаш ҳуқуқи берилмоғи лозим**. habeas corpus эшитувлари пайтида адвокат ўз ҳимоясидаги маҳбус билан учрашиш ва ҳужжатлар, исботу далиллар билан танишиш имкони берилиши керак.
- **Жиноят ишини кўраётган айни ҳакамнинг habeas corpus эшитувини қилишига мутлақо йўл қўймаслик керак**. Масалан бундай эшитувни бошқа гуруҳдаги суд ҳакамларига топширган маъқул.
- ЖПКни шундай ўзгартириш керакки, токи адвокатлар ҳужжатлар билан танишишга изн оламан деб қийналмасин. **Ҳибсда қолиш муддати асосланган ҳужжатлар тўплами адвокатга олиш ҳуқуқи дарҳол, бир зумда истисносиз етказилиши лозим**.

Қийноқлар олдини олиш ва процессуал ҳуқуқларни таъминлаш борасида

- **Маҳбусга мутлақ ва чекловсиз ҳамда ўз танловига кўра адвокат олиши** ЖПКда белгиланиши ва ижро қилиниши керак. Бу ҳуқуқ суд ва терговнинг барча бўғинларида амалда бўлиши керак.
- **Маҳбус ўз ҳуқуқлари ҳақида огоҳлантирилиши кераки**. Бу босма маълумот, варақа тарзида бўлиши мумкин. Бу варақа ҳар бир ҳибсга олинган кишига берилмоғи керак. Маҳбусга тергов ва ҳибсхонанинг ҳаммага кўринадиган ерида мушоҳада ва мутоала қилиш имкони берилиши керак.
- **Милиция, Миллий хавфсизлик хизмати зобитлари, терговчи ва прокурорлар, суд ва мулозимлар диққатига қийноқлар кечирилмаслиги ҳақидаги мужда етказилиши лозим**. Улар қийноқлар қўллаган тақдирда қаттиқ жазоланишини яхши билмоқлари зарур
- Милиция ходимларига **ҳибсга олиш чоғида процессуал нормаларга оғишмасдан амал қилиш шартлигини** яхшилаб тушунтириш керак.
- **Маъмурий жавобгарлик кодекси ҳеч бир инсонни 48 соатдан кўпроқ судгача ушлаб туриш учун асос бўлмаслиги** керак.
- Бундан буён маҳбусларнинг қийноқ остида берган кўрсатма ва иқдорномлари судда исбот сифатида кўрилмаслиги керак.
- **Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколи ратификация қилиниши керак**. Бу ҳужжат талабига кўра Инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатланган

шаҳс (Омбудсмен), факултатив протокол ижроси учун кафолат бўлиши ва қийноқларнинг бартараф қилиниши учун миллий механизм бўлиши тақозо қилади.

- **Барчага амалда қийноқлар бўйича мустақил инстанцияга шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши керак.** Бу шикоят тезкор ва синчковлик билан қийноқ фактини тафтиш қилиш имконини беади. Бундай шикоят ёзганларни қўрқитиш, пировардида шикоятчилардан қасос олиш амалиётига мутлақо чек қўймоқ шарт. Омбудсмен зиммасига қийноқлар бўйича шикоятларни мустақил ечиш ва юқори органларга тезда етказиш ва бу юзадан самарали тафтишни талаб қилиш ваколати юкланмоғи керак.
- **Қийноқни амалга оширган Ички ишлар ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш тизими йўлга қўйилиши керак.** Қийнагани исботланган ходимлар ҳеч бир шаклда жазосиз қолмасликлари керак. Қийноқ қўллаганлар устидан ҳар бир шикоят синчиклаб текширилмоғи лозим.
- **Қийноқ юзасидан суд маҳкамасида берилган шикоятлар тафтиш қилиниши шарт.** Бу юзадан суд тергови бутун тафсилотлари билан маҳкама протоколига киритилиши керак. Бу мутлақ бир шаклда суд қарорида ҳам акс этмоғи зарур.
- **Инсон ҳуқуқлари ташкилотларига судлар ва қамоқхоналарга киришга изн бериш керак.** Бундай изн БМТга оид барча механизмларга ҳам берилиши лозим.
- **Маҳаллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи гуруҳларни рўйхатдан ўтказишга рухсат берилмоғи керак.** Хорижий нодавлат, ноижорат ташкилотларга қайта рўйхатдан ўтиш имкони берилиши керак. Бу ташкилот ходимларига виза берилмоғи лозим. БМТнинг қийноқларга қарши конвенцияси ижроси фуқаровий гуруҳлар тарафидан текширилишига изн берилмоғи керак.

Мустақил адвокатура фаолиятини таъминлаш борасида

- **Адвокатлар палатасининг мутлақ мустақиллиги ва ўз ўзини бошқариш имкони яратилсин.** Адвокатлар адекват тарзда ўз ҳуқуқларини ҳам миждозлари ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиш имконига эга бўла олсин.
- **Адлия вазирлиги Адвокатлар палатасига раис тайинлаш ва уни бўшатиш ҳуқуқидан мосува қилинсин.** Адвокатлар палатаси раиси жамаоа тарафидан эркин сайлаб қўйиладиган лавозимга айлантирилсин.
- **Адвокатлар палатасининг вилоятлардаги бўлимлари ҳам ўз раисларини эркин сайлов воситасида ўзлари сайласин.** Улар ўз фаолиятларига ташқи босим ва аралашувдан ҳоли қилинсин.
- **Адвокатура ҳақидаги қонундан Ўзбекистонда адвокатлар палатасидан бошқа адвокатлар уюшмасига изн берилмайди деган банд олиб ташлансин.**

- **Адвокатлар палатасидаги интизом комиссияси таркиби ва тизими ўзгартирилсин.** Бу билан комиссияда ҳукумат вакилларининг адвокатларга нисбатан таъсир ва босим ўтказиш амалиётига чек қўйилсин.
- **Адвокатга лицензия бериш чоғида сиёсий ёки бошқа омилларга кўра интизомий таъсир ўтказишга чек қўйилсин.**
- Адвокатга лицензия берилмаслиги ҳолатида, унга **бу ҳақда батафсил ҳамда асосланган қарор нусҳаси берилсин.** Адвокат мустақил апелляция инстанцияси воситасида бу қарорни қайта кўриб чиқиш имконига эга бўлсин.
- **Инсон ҳуқуқлари фаолияти боис лицензиядан маҳрум қилинган адвокатлар ҳуқуқи тиклансин.** Уларга лицензия берилсин.

Европа Иттифоқи ва аъзо давлатларга

Ўзбекистоннинг системали тарзда инсон ҳуқуқларини топтаб келаётганини инobatга олган ҳолда, Европа Иттифоқи тарафидан эътироф қилиниб, ЕИга кирувчи Ташқи ишлар Вазирлар Кенгаши тарафидан бир нечта марта тасдиқланган (охирги марта 2010 йил октябрда) қарорга кўра, **Кенгаш Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятини ўз кун тартибидан туширмасдан долзарб сақлаши керак. Ўзбекистонда жазоланмасдан қолаётган инсон ҳуқуқларини топташ вазиятига Европа Иттифоқи керакли шиддатда муносабат билдирмоғи зарур.**

Хусусан Европа Иттифоқи Ташқи ишлар вазирлари кенгашига

- «Ўзбекистонда ислоҳот ва тараққиётнинг боғлиқлиги» унинг «Чуқурлиги ва сифати» йўллари нималиги ҳамда, **ваъдалардаги реал мазмун аниқлансин.**
- Ташқи сиёсат бўйича Еврокомиссар ва ЕИ Ташқи ишлар вазирлари **Ўзбекистон ҳукуматига аниқ қилиб агар инсон ҳуқуқлари борасида самарга эришилмаса, конкрет сиёсий оқибатлар юз беришини билдириши лозим.** Инсон ҳуқуқларини бузётган, ташкилот ва идоралар, ўзбек мулозимларига нисбатан чекловлар қўлланилиши лозим. Бу уларга саёҳат учун виза берилмаслиги банклардаги пуллари музлатиб қўйилиши тарзида бўлиши мумкин. Айниқса инсон ҳуқуқлари фаоллари, журналистлар ва сиёсий муҳолифат арбобларини қамаётган ва уларга тазйиқ ўтказган ташкилот ва мулозимларга алоҳида тегишлидир.

Европа Иттифоқининг бошқа эҳтимолий чора тадбирлари:

- Ўзбекистоннинг узоқ вақтдан бери БМТнинг инсон ҳуқуқлари ташкилотлари билан системали тарзда ҳамкорликдан бош тортиб келаётганлигини инobatга олиб, шунингдек ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги тавсияларни бажарамагани, шартномаларга риоя қилмагани боис ва Ўзбекистонда инсон

ҳуқуқларини топташ оммавий ҳамда жиддит тус олгани учун **БМТ инсон ҳуқуқлар кенгашининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига маъсул махсус маърузачиси каби кузатув механизми яратилишини қўллаб қувватлаш керак.**

- Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган маҳаллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар фаолиятига изн берилиши ва қайта рўйхатдан ўтказилишига эришилиши лозим. Бу изн айти ташкилот ходимларига дарҳол виза берилиши билан уйғун бўлиши талаб қилинсин.
- ЕИ Комиссияси Ўзбекистонни уни импорт солиғидан озод қилувчи **умумевропа преференция тизимидан чиқариб ташлаши керак.**
- Яқинда Тошкентда очилган ЕИ ваколатхонаси ходимлари ва ЕИга аъзо Тошкентдаги дипмиссиялар Ўзбекистонда қийноқлар билан боғлиқ ҳолатни диққат билан кузатмоқлари керак. Улар суд жараёнларини мунтазам кузатишлари, қийноқларни давомли кузатиб қайд қилишлари ва қамоқхоналарга кириб вазиятни ўрганиш юзасидан сўровномалар бериб боришлари лозим.
- Маҳаллий инсон ҳуқуқ фаоллари, мустақил сиёсий фаоллар ва ҳуқуқшуносларни Ўзбекистонда ҳуқуқ устиворлиги Европа ташаббуси тадбирларига жалб қилиш. Айти пайтда бу фаолларнинг мониторинг ва habeas corpus жараёнида қандай амалга ошганини кузатишга сафарбар қилиш. ЕИнинг бу борадаги ташаббусининг самараси давомий тарзда баҳоланиб бориши лозим.
- Қийноқлар ҳақида гапиришнинг ҳар қандай имкони пайдо бўлиши билан унга habeas corpus ва адвокатлар мустақиллиги масаласи илова қилиниши керак. Бу соҳада ЕИ ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича диалоги билан чекланмаслик керак. Конкрет муаммолар бўйича Ўзбекистон ҳукуматидан конкрет қадамлар талаб қилиш керак.
- ЕИ га аъзо давлатларнинг юқори лавозимли мулозимлари олий даражадаги Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари масаласини кўтармоқлари керак. Улар Ўзбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган мажбуриятлар бажарилиш муддатларини белгиламоқлари зарур. ЕИ Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши инсон ҳуқуқларини бузаётган давлат ташкилотлари ва алоҳида мулозимларга нисбатан адресли чекловлар қўллаши лозим.

АҚШ

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида «кенг қўламда ва изчил яхшиланиши» юзасидан давомли бўйин товланини инobatга инobatга олмоқ лозим. АҚШ давлат департаменти йиллик ҳисоботларида қайд қилинган қийноқлар муаммоси ёки тергов даврида таҳқирли муносабат каби муаммолар юзасидан АҚШ ҳукумати **пайсалга солмасдан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари масаласини устивор қилиши ва икки**

давлат муносабатлари кун тартибига киритмоғи лозим. Қилиниши лозим ишлар:

- **Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари вазиятини яхшилаш борасида амалга ошириши кутилган конкрет тадбирларнинг қачон ва қайси муддатда бўлишини аниқлаш.**
- **Агар бу тадбирлар амалга ошмаса қандай сиёсий оқибатлар кутаётганини Ўзбекистонга билдириш.** Бу тадбирлар, банкладаги пулларни музлатиш, мамлакатга киришга тақиқ (қисман амалга ошган) каби адресли чекловлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини поймол қилган мулозимларга ва давлат идораларига қаратилиши керак.

АҚШ тарафидан қилиниши мумкин бўлган бошқа конкрет тадбирлар

- **Ҳавфсизлик йўналиши бўйича берилаётган харбий ёрдам доҳил барча ёрдам музлатиб қўйилиши керак.** Бу то Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва қийноқларни бартараф қилиш борасида аниқ тадбирлар қилмагунга қадар давом этиши лозим.
- Ўзбекистоннинг узоқ вақтдан бери БМТнинг инсон ҳуқуқлари ташкилотлари билан системали тарзда ҳамкорликдан бош тортиб келаётганлигини инобатга олиб, шунингдек ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги тавсияларни бажарамагани, шартномаларга риоя қилмагани боис ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини топташ оммавий ҳамда жиддий тус олгани учун **БМТ инсон ҳуқуқлар кенгашининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига маъсул махсус маърузачиси бошлиқ кузатув механизми яратилишини қўллаб қувватлаш керак.**
- Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган маҳаллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар фаолиятига изн берилиши ва қайта рўйхатдан ўтказилишига эришилиши лозим. Бу изн айна ташкилот ходимларига дарҳол виза ҳамда аккредитация берилиши билан уйғун бўлиши талаб қилинсин.
- АҚШ нинг Тошкентдаги элчихонаси ходимлари Ўзбекистонда қийноқлар билан боғлиқ ҳолатни диққат билан кузатмоқлари керак. Улар суд жараёнларини мунтазам кузатишлари, қийноқларни давомли кузатиб қайд қилишлари ва қамоқхоналарга кириб вазиятни ўрганиш юзасидан сўровномалар бериб боришлари лозим.
- **Қийноқлар ҳақида гапиришнинг ҳар қандай имкони пайдо бўлиши билан унга habeas corpus ва адвокатлар мустақиллиги масаласи илова қилиниши керак.** Бу соҳада АҚШ ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик маслаҳатлашуви билан чекланмаслик керак. Конкрет муаммолар бўйича Ўзбекистон ҳукуматидан конкрет қадамлар талаб қилиш керак.
- **Мавжуд санкцияларга нисбатан жорий қилинган мораторийларни бекор қилиш. Амалдаги санкцияларни, жумладан юқори мартабали мулозимлар учун стоп-**

лист амалиётини қўллаш керак. Бундай тадбирлар АҚШ давлат департаменти тарафидан Ўзбекистоннинг « алоҳида ҳавотир уйғотадиган» давлатлар рўйхатига киритгани билан уйғун. Инсоннинг диний эркинликлари систематик топталган ва қийноқлар қўлланадиган давлат сифатида кўрилади Ўзбекистон.

- **АҚШнинг Ўзбекистон ва ўзбек ширкатлари билан харбий алоқалари юзасидан ахборотлар очиқлансин.** АҚШ давлат бюджетидан Ўзбекистон ҳукуматига ёки ширкатларига тўланаётган пуллар юзасидан текширув ўтказилсин. АҚШ конгреси ва Ўзбекистон фуқаролари бу пуллар мақсадли фойдаланилгани ҳамда, коррупция чўнтагига тушмаганидан амин бўлмоқлари керак. Аудит текширув натижалари ҳамма учун очиқ бўлиши керак.

БМТ

- Ўзбекистоннинг узоқ вақтдан бери БМТнинг инсон ҳуқуқлари ташкилотлари билан системали тарзда ҳамкорликдан бош тортиб келаётганлигини инобатга олиб, шунингдек ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги тавсияларни бажарамагани, шартномаларга риоя қилмагани боис ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини топташ оммавий ҳамда жиддий тус олгани учун БМТ инсон ҳуқуқлар кенгаши Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига маъсул махсус маърузачиси каби кузатув меҳанизми яратилиши лозим.
- **БМТнинг соҳавий тематик механизмлари, хусусан қийноқлар ва суд, адвокатларнинг мустақиллиги бўйича махсус маърузачилари Ўзбекистонга ташриф буюриш учун сўровномаларини янгилашлари ва маълумот талаб қилишлари зарур.** Бу ўринда Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазияти юзасидан ҳавотир билдириш учун турли воситалар, пресс релизлар, мурожатномалар ҳамда вазият юзасидан ёзишмалар эълон қилишлари уларнинг мандатларига мос келади ва муҳимдир.
- **БМТнинг соҳавий шартномавий органлари қийноқ масаласини, habeas corpus ва адвокатларнинг мустақиллиги масаласини Ўзбекистондаги вазият даврий муҳокама қилинганида кўтаришлари керак.** БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ва қийноқлар бўйича қўмитаси 2007 ва 2010 йилларда Ўзбекистон вазияти кўриб чиқилганидан кейинги ҳулосавий эътирозларга яна урғу берилмоғи лозим.
- **БМТга аъзо давлатлар – кенг кўламда ўзларининг потенциал механизмларини Ўзбекистондаги қийноқлар, habeas corpus ва адвокатура мустақиллиги масаласига эътибор қаратишга сафарбар қилишлари керак.** Бу ўринда БМТ соҳавий органларининг тавсияларини инобатга олиб, Ўзбекистон ҳукуматини инсон ҳуқуқлари вазиятини яхшилаб ва қийноқларни бартараф қилишга чақиришлари керак.